

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ
ҲАФТАЛИК, ТАҲЛИЛИЙ НАШРИ

ISSN 2010-6602

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

2021 ЙИЛ 3 МАРТ

№ 08 (1291)

МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИМИЗ ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНМОҚДА?

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг учта тўлов тизими: Банклараро тўлов тизими, Ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўлов тизими фаолият олиб бормоқда. Мазкур тўлов тизимлари мамлакатдаги нақдсиз пул муомаласининг асосини ташкил этиб, тўлов тизимларининг хавфсиз ва узилишларсиз ишлаши бутун иқтисодиёт барқарорлигининг асосий омилларидан биридир.



(Давоми 4-5-саҳифада)

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ХСРИК) ўртасида 25 млн. АҚШ долларига тенг молиялаштириш линияси тўғрисида битим имзоланди.

25 млн. АҚШ долларига тенг молиялаштириш линияси тўғрисида битим имзоланди

Унга кўра, ХСРИК «Ўзсаноатқурилишбанк»га кичик ва ўрта бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришнинг исломий усулларидан фойдаланган ҳолда молиялаштиришга кўмаклашади.

Томонлар, шунингдек, банк мутахассисларининг янги ноанъанавий банк маҳсулотлари ва хизматлари ҳақидаги хабардорлиги ва амалий билимларини ошириш мақсадида соҳа мутахассислари учун молиялаштиришнинг исломий усуллари (жумладан, мурабаҳа – истеъмол кредити) бўйича ўқув-амалий дастурларни бирга-лиқда ташкил этишга келишиб олдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг Kip.uz мухбирига берган интервьюси катта муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Аслида жамият эътиборидаги бир кишининг сўзини кесиб олиб, тўғри ёки нотўғри талқин қилиш янгилик эмас. Шу маънода Содиқ Сафоев ҳам шу нишонга рўбарў бўлди дея оламиз.

АҲОЛИДА ҚАНЧА МИЛЛИАРД ДОЛЛАР БОР?!



(Давоми 6-саҳифада)

Халқ банки аҳолига «Маҳаллабай» тизимида кўмак бермоқда

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг реал даромадларини ошириш ҳамда аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида давлатимиз раҳбари топшириғига биноан, «Маҳаллабай» ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Бу борада Халқ банки томонидан Республикаимиз бўйлаб «Маҳаллабай» ишлаш тизими бўйича банк ходимлари хонадонларда ўрганиш ишларини олиб бораётир.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Чиноз туманида Халқ банкининг 30 нафардан ортиқ ходимлари ҳар бир кўча ва маҳаллага кириб, аҳолининг муаммоларини ўрганишмоқда. Уларга Халқ банки томонидан аҳоли даромадлигини ошириш мақсадида иссиқхона қуриш, парандачилик, тикувчилик, пазандачилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар берилаётганлигини тушунтириб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

“БИЗНЕСДА ЭНГ МУҲИМИ
ЯХШИ ЖАМОА”



5 >

СИЗДАН БОШҚА ЯНА КИМЛАР
ТЕЛЕФОНИНГИЗДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ БИЛАСИЗМИ?



7 >

ГОСДОЛГ УЗБЕКИСТАНА
СОСТАВИЛ \$23,3 МЛРД.



14 >



МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИМИЗ ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНМОҚДА?



Улуғбек МАҲМУДОВ
Марказий банкнинг Тўлов тизимлари
департаменти директори
(Бошланиши 1-саҳифада)


Шу билан бирга тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келишини таъминлаш орқали рақобатни кучайтириш мақсадида Марказий банк томонидан 21 та тўлов ташкилотларига ҳамда «Миллий банкларо процессинг маркази» МЧЖ («НУМО») ва «Ягона умумреспублика процессинг маркази» МЧЖга («UZCARD») тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди. Шунингдек, ҳозирги кунда 32 та тижорат банки билан бир қаторда тўлов ташкилотлари, тўлов агентлари ва тўлов субагентлари ўз тўлов хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Хўш, бу тизимлар бугун қай даражада ривожланмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Марказий банкнинг Тўлов тизимлари департаменти директори Улуғбек Маҳмудовга мурожаат қилдик.

– Айтинг-чи, Марказий банкнинг учта тўлов тизими бор, уларнинг фарқи нимада, улар бир-бирини такрорламайдими? Қолаверса, ўтган 2020 йилдаги пандемия бу тизимлар фаолиятига қандай таъсир этди?

– Марказий банкда ташкил этилган учта тўлов тизимининг ўз ўрни ҳамда вазифаси бор.


Жумладан, Марказий банкнинг банклараро тўлов тизимидан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этиб, улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар реал вақт режимида амалга оширилади. Республикада фаолият олиб бораётган барча тижорат банклари мазкур тизимнинг иштирокчиларидир. Ушбу тизим банк иш куни вақтига мутаносиб ишлайди.



2020 йилда Банклараро тўлов тизими орқали ўтган транзакциялар ҳажми 2019 йилга нисбатан 67,8 фоизга ошиб 1 890,5 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда, транзакциялар ҳажмининг ўсиши асосан, Марказий банкнинг қисқа муддатли пул-кредит инструментлари – «Репо» ва «Своп» ҳамда депозит операциялари амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.


2020 йилда транзакциялар сонининг 2019 йилдаги 70 млн.тадан 53 млн.тагача камайиши юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловлари маълум қисмининг янги ишга туширилган Тезкор тўловлар тизими орқали ўтказилганлиги ҳамда пандемия таъсирида иқтисодий фаолликнинг пасайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизимининг эса, асосий фойдаланувчилари жисмоний шахслар бўлиб, у орқали коммунал, солиқ, бож ва бошқа бюджет тўловлари, ФХДЭ тўловлари, кадастр хизматлар, "UzautoMotors" автомобиллари учун тўловлар, мобил алоқа, интернет ва бошқа хизматлар учун тўловларни тўлаш имконияти мавжуд. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг «НУМО» ва «UZCARD» банк карталари орқали амалга оширган тўловларининг клиринги ҳам мазкур тизимда амалга оширилади.



2020 йилда ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2019 йилга нисбатан қарийб 24 фоизга ўсиб, 24,9 трлн. сўмни ташкил этди. Транзакциялар сонининг 17 фоизга камайиши тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келиши ва масофавий тўлов хизматларининг оммабоплиги билан изоҳланади. Хусусан, тўлов ташкилотларининг мобил иловалари орқали 2020 йил давомида жами 6,3 трлн.сўм коммунал, давлат хизматлари, жарима ва божлар ҳамда бошқа тўловлар амалга оширилган. Ушбу тизим 24/7 режимида фаолият юритади.

Марказий банкнинг Тезкор тўлов тизими – юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини берувчи тўлов тизими бўлиб, у куну-тун, дам олиш кунларисиз (24/7 онлайн режимида) ишлайди, банк иш кунига боғлиқ эмас. Мазкур тизимнинг асосий афзалликларидан бири мижозларнинг пул маблағлари айланишининг тезлашуви, транзакциялар ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ўсиши ҳисобига нақдсиз пул тўловларнинг кўпайиши, банк даромадларининг ошишидир. Тижорат банклари учун яна бир қулайлиги Марказий Банкдаги корреспондентлик ҳисобварақларида катта миқдорда маблағ ушлаб туришни талаб этмайди.



Қайд этиш жоизки, 2020 йилда Тезкор тўловлар тизими орқали жами 128,3 трлн. сўмлик қарийб 5,4 млн.та транзакциялар, жумладан Ҳазначиликка 232 мингдан ортиқ 2 трлн. сўмлик бюджет тўловлари ўтказилди. Ушбу тўлов тизими 2020 йилнинг февралдан фаолият бошлаганига қарамай, битимлар ҳажми сезиларли даражада ўсиб, банклараро ўтказмаларнинг 9% и амалга оширилди. Тезкор тўловлар тизими орқали ўтказилган

жами тўловларнинг 82 фоизи (103,6 трлн.сўм) 10 тижорат банклари ҳиссасига, жумладан 18 фоизи "Миллий банк", 17 фоизи "Саноатқурилиш банк", 11 фоизи "Ҳамкорбанк", 7 фоизи "Асака" банк ҳиссасига тўғри келади.

– Марказий банк томонидан Миллий тўлов тизимлари инфратузилмасини ривожлантириш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

– Биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларининг тўлов терминаллари билан тўлиқ ва ўз вақтида таъминлашнинг банклар томонидан бажарилиши назоратга олиниб, мавжуд талаблар тўлақонли қондирилди ва банкларда етарли захира шакллантирилди.

Марказий банк, давлат солиқ хизмати органлари ва тижорат банклари вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи томонидан мунтазам равишда республиканинг барча ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг тўлов терминаллари билан таъминланганлиги, улардан самарали фойдаланиш кўникмаларининг мавжудлиги жойларга чиқиб ўрганиб борилди ҳамда уларга амалий ёрдам берилди.

Натижада ҳудудлардаги чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш шаҳобчалари ҳамда банк инфратузилмаларига ўрнатилган терминаллар сони 2020 йилда 43,3 минг донага ёки 11 фоизга ошиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони 438,4 минг донага етди. Ҳисоб-китоб терминаллари орқали амалга оширилган жами транзакциялар суммаси 2019 йилга нисбатан 12,1 фоизга ошиб, 90,4 трлн. сўмни (шундан савдо терминаллари орқали 81,0 трлн. сўмни) ташкил этди.

2020 йилда тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун 5,2 млн. дона банк карталари муомалага чиқарилди ҳамда уларнинг умумий сони 2019 йилга нисбатан 25,4 фоизга ортиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 25,8 млн. донага етди.

Халқаро тўлов тизимлари (VISA, Mastercard, Unionpay) билан ҳамкорликнинг кенгайтирилаётганлиги натижасида 2021 йил 1 январь ҳолатига эмиссия қилинган VISA карталари сони – 598 мингта, Mastercard карталари – 39 мингта, Unionpay карталари – 67 мингтани ташкил этди.

Шунингдек, тўлов хизматларидан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида банк инфратузилмалари, туризм массивлари, йирик бозорлар, савдо комплекслари ва аҳоли гавжум бўладиган бошқа объектларга банклар томонидан 2020 йилда 2 597 дона банкомат ва инфокиосклар ўрнатилиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони ўтган йилга нисбатан 28,2 фоизга ортиб, 11 800 донага етди. Албатта, бу ишлар бу йил ҳам жадал давом эттирилмоқда.

– Кейинги йилларда тижорат банклари томонидан турли масофавий ва инновацион хизматлар жорий этилмоқда. Бу аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қандай қулайликлар яратди?

– Ҳозирги вақтда тижорат банк томонидан тақдим этилаётган масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари – интернет-банкнинг ва мобил банкнинг каби банк хизматлари тез ривожланиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони 14,5 млн. кишини ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 4,3 млн. кишига ёки 43 фоизга ошганлигининг ўзи ҳам сўзимиз исботи бўла олади.

Шунингдек, 2020 йилда жисмоний шахслар томонидан банкларнинг мобил иловаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган онлайн конверсия амалиётлари – 13,6 трлн.сўмни, кредитларни сўндириш – 10,9 трлн.сўмни, онлайн микроқарзлар – 5,8 трлн.сўмни, онлайн депозитлар

(Давоми 5-саҳифада)

(Бошланиши 4-саҳифада)

– 4,2 трлн. сўмни, ҳамда бошқа тўловлар (бюджет, коммунал, алоқа тўловлари ва бошқалар) – 1,6 трлн. сўмни ташкил этишининг ўзи аҳолининг молиявий саводхонлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Қолаверса, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида контактсиз тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида ҳамда мобил иловаларга ўрнатилган «HUMOPay» дастури (смартфоннинг NFC тизими) орқали банк картасидан фойдаланмасдан чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш пунктларида тўловларни амалга ошириш хизмати амалиётга татбиқ этилди. Бунга қўшимча тарзда «Tap-to-phone» (тижорат номи «Onetouch»), «QR-online» ахборот, «Тошкент метрополитени»УК ва «Тошшаҳартрансхизмат»АЖ корхоналари томонидан хизмат ҳақини «АТТО» тизимлари ҳамда HUMO» ва «UZCARD» карталари тўловларини амалга ошириш имконияти бўлган «Uzkassa» қурилмаси яратилиб, ишга туширилди.


– Тўлов хизматларини етказиб берувчи янги компанияларнинг 2020 йил давомида амалга оширган фаолияти тўлов хизматлар бозорига ўз таъсирини кўрсатдими?

– Албатта, тўлов ташкилотлари (финтех компаниялар)нинг тўлов хизматлар бозорига кириб келиши ижобий таъсир кўрсатди. Биринчидан, рақобат муҳитининг шаклланишига олиб келди, энди банклар билан биргаликда тўлов ташкилотлари, тўлов агентлари ва тўлов субагентлари ўз хизматларини тақдим этиб келмоқда.

Иккинчидан, тўлов ташкилотларининг масофавий хизматларни таклиф этиши орқали қайсидир маънода аҳолининг молиявий саводхонлигининг ошишига сабаб бўлмоқда, молиявий хизматларнинг оммабоплиги ва қулайлиги таъминланмоқда.

Учинчидан, коронакризис даврида аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида тўлов хизматларини, трансчегаравий ўтказмаларни банк карталарига қабул қилиш ёки жўнатиш амалиётлари масофадан амалга ошириш йўлга қўйилди.

Буларнинг барчаси тўлов ташкилотларининг хизматлар бозорида ўз ўрнига, мижозларига ва улушига эга бўлишига сабаб бўлди.

4-чизма. Тўлов ташкилотлари томонидан 2020 йилда ўтказилган тўловлар

2020 йилда тўлов ташкилотларининг мобил иловалари орқали 25,5 трлн. сўмлик 341 млн.дан ортиқ транзакциялар амалга оширилди.

Бунда, мижозлар тўловларининг 75 фоизи ёки 19,3 трлн. сўм маблағлар картадан картага пул маблағларини ўтказиш (P2P) амалиёти, 25 фоизи ёки 6,3 трлн.сўм маблағлар товар (хизматлар, ишлар) учун тўловлар ҳиссасига тўғри келган.

Аҳоли томонидан тўлов ташкилотларининг тўлов хизматларидан фойдаланиб товар (хизматлар, ишлар) учун амалга оширилган 6,3 трлн.сўмлик тўловларнинг 46 фоизи мобил операторлар, 14 фоизи давлат хизматларига, 11 фоизи коммунал ташкилотлар хизматлари учун тўланган.

– Суҳбатимиз сўнггида жорий йилги режалар хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

– Жорий йилда тўлов хизматлари бозорини янада ривожлантириш борасида бир қанча режалар ишлаб чиқилган.

Хусусан, мамлакатда яширин иқтисодий қисқартириш доирасида «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси»ни халқаро экспертлар иштирокида пухта ишлаб чиқиш;

тўлов хизматлари бозорида шаффофликни таъминлаш, рискларни бошқариш мақсадида тўлов тизимлари субъектларини лицензиялаш, назорат қилиш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

шунингдек, масофавий хизматларни кенг миқёсда тақдим этиш мақсадида «е-КҮС» тизимини жорий қилиш ва мижозларни идентификация қилишининг соддалаштирилган шакли орқали молиявий оммабопликни ошириш йўналишида Жаҳон банки кўмагида амалий ишларни охирига етказиш;

тўлов тизимлари субъектлари фаолияти устидан кузатув ва назоратни такомиллаштириш йўналишида «Surptech» ва «Regtech» тизимларини жорий қилиш;

масофавий банк хизматларининг ривожланиши, тўлов хизматлари бозорида янги иштирокчиларнинг кириб келиши банк тизимида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

тўлов тизими операторлари, тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳамда тижорат банклари томонидан ахборот тизимлари орқали мижозларга хизмат кўрсатишида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш, аҳоли маблағларидан руҳсатсиз фойдаланишга йўл қўймаслик мақсадида Марказий банк ҳузуридаги «Банк молия соҳасида киберхавфсизлик таҳдидларининг олдини олиш ҳамда молиявий фирибгарликларга қарши таъсир чораларини кўриш маркази»ни (FINCERT) ташкил этишдан иборатдир.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

БАНК ВА МИЖОЗ**“БИЗНЕСДА ЭНГ МУҲИМИ ЯХШИ ЖАМОА”**

Бугунги кунда шундай ёш тадбиркорлар борки, уларнинг куч-ғайрати, шижоатини кўриб, беихтиёр улар каби бўлгинг келади. Ана шундай ишбилармонлардан бири Жиззахлик Фаррух Алиқуловдир. У ҳали ёш бўлишига қарамай бир неча йўналишларда бизнес ишларини олиб борапти. Шулардан бири Жиззах шаҳридаги “Фарали” бренди остида аёллар ва эркеклар кийимлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “NEULAND” масъулияти чекланган жамиятидир. Ҳозирги кунда корхонада 350 нафар ишчилар меҳнат қилиб, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Корхона ташкил этилишида “Қишлоқ қурилиш банк” Жиззах шаҳар филиалининг муносиб ўрни бор. Чунки корхонанинг шу даражага етишида банк маблағлари асосий роль ўйнади. Дастлаб, қурилиш учун 3 млрд. сўм сўнгра, замонавий ускуналар учун 5 млрд. сўм ҳамда ўтган йил пандемия даврида айланма маблағ учун 1,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиб берилди. Бу эса тадбиркорнинг бири икки бўлишию юзлаб янги иш ўринлари яратилишига замин яратди.

Айни кунда корхонанинг тайёр кийим маҳсулотларига нафақат ички бозорда балки МДҲ мамлакатларида ҳам талаб юқори. Биргина ўтган йилнинг ўзида корхонада 20 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот тайёрланди ва 3 миллион долларлик маҳсулот МДҲ давлатларига экспорт қилинди. Жорий йилда эса 10 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш мақсад қилинган бўлиб, Россиянинг “ТВОЕ” компанияси билан 20 млн. долларлик экспорт шартномаси имзоланган. Бундан ташқари Германия, Италия, Франция давлатлари бозорларига ҳам маҳсулот экспортини йўлга қўйиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бундай муваффақиятлар сирини билиш учун тадбиркорни суҳбатга тортдик.

– Маҳсулотларимизнинг аксарияти тоза пахтадан, сифатли, қолаверса, корхонамиз пахтани қайта ишлаб, ипдан то мато ишлаб чиқариб тайёр маҳсулот ҳолига келгунча ҳар бир жараён етук мутахассислар назоратида бўлади, – дейди Фаррух Алиқулов. – Ҳар бир тайёр маҳсулот бир неча кўриклардан ўтади ва буюртмачининг товари ўз вақтида етказилишига жиддий эътибор қаратилади. Бунинг учун эса юзлаб ходимлар астойдил меҳнат қиладилар. Менимча ютуқларимизнинг гарови ҳам яхши жамоа йиға олганимизда. Бизнеснинг энг муҳим шarti ҳам яхши жамоа ва ишончли ҳамкорлардир. Бу борада бизга омад кулиб боққан дея айта оламан.

Тадбиркор билан суҳбатда келгуси режалари билан қизиққаннимизда у фабрика фаолиятини кенгайтириб яна учта туманда унинг филиалларини очиш устида иш олиб бораётганини маълум қилди. Бу лойиҳа ишга тушгандан сўнг эса, яна беш юздан ортиқ ёшлар бандлиги таъминланар экан.

Юртимизда ана шундай тадбиркорларнинг кўпайиб бораётгани натижасида ҳаётимиз янада фаровонлашиб, эртанги кунга бўлган умидимиз ошиб бораверади.